



“ЎБЕКИСТОН - 2030” СТРАТЕГИЯСИ: ТАЪЛИМ СОҲАСИ ВА ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Кўлдашев Камариддин Мансурович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Сўғурта иши” кафедраси профессори, и.ф.д.

email: kuldashevKM@gmail.com

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 9 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss9/a1	Мазкур мақолада Ўзбекистонда қабул қилинган “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида таълим соҳасида қўзда тутилган масалалар ва уларнинг натижалари, мамлакат президенти бошчилигида мамлакат ичкарида ва халқаро муносабатларда олиб борилаётган ишлар ҳамда уларнинг мамлакат келажагида ўз аксини топиши билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалар юритилган. <i>Стратегия, таълим, узлуксиз таълим, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, олий таълим, иқтисодиёт, тинчлик, барқарорлик, инвестиция.</i>
KEYWORDS	

Кириш

Маълумки, мамлакатимизда халқ муҳомамасига қўйилган ҳолда, яъни кўп сонли халқимизнинг хоҳиш-иродаларини эътиборга олган ҳолда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли фармони билан қабул қилинган эди. Мазкур стратегияда белгиланган стратегик вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сон фармони билан ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича 2024 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси тасдиқланган.

Ушбу режанинг 1-мақсади сифатида матабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда болаларни қамраб олинишини 76 фоизга етказишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Албатта ушбу йўналишни биринчи масала сифатида белгиланиши бежиз эмас, чунки узлуксиз таълим тизимининг самарадорлиги ундаги ҳар бир босқичнинг ўзидан олдинги босқичнинг сифатига боғлиқ. 1-синфда ўқишни бошлайдиган ҳар бир бола алифбо ва санок билан боғлиқ дастлабки тушунчаларга эга бўлган ҳолда мактабга қадам қўйиши ушбу билимларни осон эгаллашига имкон яратади ва умуман мактабга мослашиши бирмунча осон кечади.

2-мақсад албатта юқоридаги мақсаднинг давоми сифатида умумий ўрта таълим тизимида таълим учун қулай муҳит яратиш масалаларига бағишланган. Мазкур мақсадда белгиланган вазифалар ичида қўзда тутилган ва республикамиз тарихида ҳали амалда қўлланилмаган битта масала эътиборни тортади, бу – олис ва чека ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун бепул автобусларни йўлга қўйиш вазифасининг белгиланганлигидир.

Таълим тизими сифати таъминланишининг гарови бўлган – педагог кадрлар мақomini ошириш, уларнинг билими ва малакасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масаласи 4-мақсад сифатида белгиланган. Ушбу мақсадни амалга ошириш бўйича белгиланган масалалар ичида эътиборга молик вазифалар сифатида 100 нафар давлат умумий ўрта таълим ташкилотларининг педагогларини хорижий мамлакатларга малака ошириш ёки стажировкага юбориш масаласининг белгиланганлиги, педагогларни ишга қабул қилиш жараёнини халқаро стандартларга

мувофиқлаштириш масалаларининг белгиланганлигини таъкидлаш жойиз.

Умумий ўрта таълимни ривожлантириш ва сифатини ошириш мақсадида нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари қамровини кенгайтириш, хусусан, уларнинг сонини 470 тага етказиш вазифасининг белгиланганлигини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Ушбу масаланинг белгиланганлиги бундай таълим ташкилотлари ўртасида ўзаро рақобатнинг кучайишини таъминлайди ва натижада ушбу йўналишдаги хизматлар баҳосининг пасайишини ва ўқитиш сифатининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Маълумки, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган хусусий таълим мактабларида таълим учун олиналган тўловлар бирмунча юқори бўлиб, аҳолининг аксарият қисми бундай хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга эмас.

Узлуксиз таълимнинг учинчи ва энг муҳим босқичи ҳисобланган олий таълим босқичи 7-мақсадда ўз аксини топган бўлиб, унда олий таълим билан қамровни кенгайтириш ва таълим сифатини ошириш масалаларига эътибор қаратилган. Олий таълим билан қамров масаласи сўнгги йилларда сезиларли органлигини қайд этиш мумкин. Ушбу белгиланган вазифада кадрлар буюртмачилари тақлифлари асосида олий таълим муассасаларига қабул қилиш параметрларини белгилаш масаласининг қўйилганлиги бу борадаги талаб ва тақлиф мутаносиблигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини эътироф этиш жойиз. Бу борада таълим грантлари сонини ошириш ва бунда нодавлат ва хорижий олий таълим муассасаларига ажратиладиган грантлар сонини кўпайтиришнинг қўзда тутилиши давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтиш жойиз.

Дастурда илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш масаласига ҳам алҳида эътибор қаратилиб, шу мақсадда бир қанча вазифалар белгиланган. Булар ичида фундаментал тадқиқотларни амалга оширишда хорижий илмий матабга билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласининг қўйилганлиги ҳам эътиборга молик тадбир ҳисобланади. Бундай ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши натижасида синергетик самарадорлик ортади ва амалга оширилган тадқиқотлар ўз самасини беради.

Тадбирлар режасида иқтисодийнинг бошқа соҳаларида ҳамда ижтимоий соҳаларда қўлаб тадбирларни амалга ошириш белгиланганки, ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодийтини, таълим соҳаларини ва ижтимоий соҳаларини юқори даражага олиб чиқишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мазкур тадбирлар режасида кўзда тутилган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги ўзининг самарасини бермоқда. Бу албатта биринчи ўринда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган прагматик сиёсатнинг натижасидир. Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродовнинг таъкидлашича - мен ярим асрдан кўпроқ вақт давомида олий таълим соҳасида ишлаб келаётган домла сифатида шуни афсус билан айтмоқчиманки, мустақиллик ҳам талабани, профессор-ўқитувчини, шифокорни, муаллимни, мурғак мактаб ўқувчисини бўйнидаги бўйинтурук — пахта куллитидан озод қилолмади, болалар ва аёлларни мажбурий меҳнатдан қутқазолмади. Азоб-укубат жон-жонимиздан ўтиб кетса-да, сукут сақлардик Хорликка, камситилишга қаршилик қилолмас эдик. Фақат 2016 йилга келиб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси билан мана шу бўйинтурук бутунлай тарих қаърига улоктирилди.

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг таъкидлашича, мустақиллигимизнинг 25 йили давомида энг хор бўлган тоифа бу домлар бўлди. Улар ҳар томонлама сиқувга олинди. Маош камлиги бир бало бўлса, ҳар йили келадиган штат қисқаришлари минг бало бўлди. Илм аҳли аёвсиз кўчага улоктирилди. Пенсияга чиқишга мажбурланди.

ЎЗМУ профессори, Физиология илмий-тадқиқот маркази директори, Жаҳон физиологлар жамияти (Стокгольм) академиги Бақридин ЗАРИПОВнинг фикрига кўра - соғлом миллатни илми, билимни қилиб тарбиялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Президентнинг яқинда Жиззахда вилоят фаоллари билан учрашувдаги нутқида бир нукта кўпчилиكنинг эътиборини тортди. Унда давлатимиз раҳбари шундай деган эди: «Худо менга соғлиқ бериб, умр берса, бизда камбағаллик ва ишсизлик бўлмайди. Нимага десангиз, бунга мен етти йил умримни тикдим. Тизим яратдим, қонун яратдим, дунёни очиб бердим. Халқим яхши яшасин, ниятлари амалга ошсин, болалари бахтли бўлсин, неваралари соғлом туғилсин, мактаби ишласин, йўллари раван бўлсин деб ишга келдим...» Ушбу учрашувда президентимиз томонидан яна қуйидаги сўзлар айнилан эди: “Худо менга соғлиқ бериб, умр берса, бизда камбағаллик ва ишсизлик бўлмайди. Нимага десангиз, бунга мен етти йил умримни тикдим. Тизим яратдим, қонун яратдим, дунёни очиб бердим.

Мамлакат ва халқнинг келажагига қаратилган эзгу ниятларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган юртбоши бошқараётган мамлакатнинг келажаги албатта порлоқ бўлишига шубҳайўқ.

Мамлакатимиз аҳолиси йилга 2%га ўсмокда, прогнозларга кўра 2030 йилга бориб аҳоли сони 40 миллионга етади. Бундай катта давлатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, халқимизга муносиб шароит яратиш учун иқтисодий ҳам, бошқарув ҳам, таълим ва тиббиёт ҳам янгича бўлиши, барча соҳада ўсиш, ривожланиш бўлиши керак. Ушбу ўсишни таъминлашда биринчи ўринда зарур даражада инвестицияларнинг бўлиши асосий масала ҳисобланади. Бунинг учун эса ички имкониятлар етарли эмас албатта, шу сабаб ташқи инвестицияларни жалб қилиш ҳар доим долзарб масала бўлиб келган. Дунё ҳамжамиятида мамлакатимизнинг нуфузини ошириш ва бир вақтнинг ўзида ташқи инвестиция муаммосини ҳал этиш мақсадида яқинда ташкил этилган III Тошкент халқаро инвестиция

форуми эътиборга молик тадбир бўлди. Ушбу тадбир 93 давлатдан 2,5 мингдан ортиқ иштирокчиларни жамлаб, унда 26,6 миллиард долларлик шартномаларни имзолашга эришилди. Ушбу форумнинг нуфузи ошиб бораётганлигини 2022 йилда ўтказилган шундай форумда 11 миллиард долларлик шартномалар имзоланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Тошкент халқаро инвестиция форуми сингари тадбирлар кўп мамлакатларда ўтказилади. Лекин ҳаммасида ҳам давлатнинг биринчи раҳбари қатнашмайди ва сўзга чиқмайди. Шу боис Шавкат Мирзиёевнинг нутқи хорижий сармоядорлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Сўнгги етти йил ичида Ўзбекистоннинг Россия билан товар айирбошлаш ҳажми 2,5 баробар ўсди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлиكنинг асосий устунлари иқтисодий секторлари бўлиб, давлатимиз раҳбари прагматик ислохотларда 2024 йилга қадар ўзaro товар айланмасини 25 миллиард долларгача оширишни прогноз қилди. Яқин йилларда давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини 30 миллиард долларга етказиш ва келаси йили 10 миллиард доллар инвестиция ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси қабул қилинди. Шу йилнинг 27 май кuni Россия Федерацияси Президенти В.Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ўзaro ҳамкорлигини янги поғонага кўтаришига замин бўлди. Мазкур учрашувда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлиكنинг ўсиб бораётган суръати мамнуният билан қайд этилди. Ўзaro товар айирбошлаш ва Россиядан кириб келаётган инвестициялар ҳажми кўпаймокда, саноат кооперацияси ривожланмокда. Қўшма лойиҳалар портфели 45 миллиард долларни ташкил этди. Таълим ва муҳандис кадрларни тайёрлаш соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда Бауман номидаги Москва техника университети ва Бутунроссия ташқи савдо академияси филиалларини очиб бўйича келишувларга эришилди.

Маълумки, шу йилнинг июнь ойида Корея Республикаси Президенти Ён Сок Ёол 3 кунлик давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди. Бугунги кунда Корея Республикаси Ўзбекистоннинг ташқи савдодаги энг катта 5 ҳамкоридан бири. Шунингдек, Марказий Осиёдаги корейс диаспораси вакилларида энг кўпи Ўзбекистонда яшайди. Ўз ўрнида бугунги кунда мамлакатимиздан Кореяга бориб меҳнат фаолиятини амалга ошираётган юртдошларимиз сони 40 минг нафардан ортиқни ташкил этмокда.

Кўпдан бери муҳокама қилиб келинаётган ва имзоланиши кутилаётган Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўлини қуриш лойиҳаси шу йилнинг 6 июнь кuni Хитой пойтахти Пекинда имзоланганлиги катта тарихий воқеа бўлди. Битимга кўра, темир йўл қурилиши қўшма йўналиш бўйича амалга оширилади: Қашгар (Хитой) - Торугарт - Макмал - Жалолобод (Қирғизистон) - Андижон (Ўзбекистон). Келишувга кўра мазкур темир йўл қурилиши шу йилнинг кузига, уч мамлакат раҳбарлари учрашуви пайтида расмий бошланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкин, албатта биз томонимиздан келтирилган, мамлакат ичкарасида ва халқаро миқёсда амалга оширилаётган ишлар мамлакатимиз президенти бошчилигида амалга оширилаётган катта ишлар ва эришилаётган ютуқларнинг бир қисми холос. Амалга оширилаётган бу тадбирларнинг аксарияти «Ўзбекистон-2030» стратегиясида кўзда тутилган бўлиб, бу шундан далолат берадики, 2030 йилгача бўлган киска муддатда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз беради ва натижада мамлакатимиз иқтисодий юқори ривожланиш даражасига кўтарилиб, халқнинг турмуш даражаси янада яхшиланади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон..